

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

МУЛОҚОТЛАРИМИЗ САМИМИЙ БЎЛСИН! (“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”)

Мухтарам азизлар! Барчамизга маълумки, бу йил юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланган. Шу муносабат билан бугунги жума мавъизамизда ўзаро мулоқотларимизнинг самимий ва дўстона ҳамда ўзгаларга етказадиган манфаатларимиз холис бўлишлиги ҳақида суҳбатлашамиз.

Динимизда биз мўмин-мусулмонларни ўзаро меҳру оқибат билан ҳаёт кечирмоқлигимизга тарғиб этилган. Ўз навбатида бу имоннинг мустаҳкам бўлишлигини тақозо этишлиги айтилган. Бу ҳақда Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم шундай марҳамат қиладилар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَا تَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا أَوْلَىٰ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفَشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ" (رواه الإمام مسلم).

яъни: Жаноби Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم дедилар: **“То ҳақиқий мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирингизга муҳаббатли бўлмагунингизча ҳақиқий мўмин бўлмайсизлар. Мен сизларни бир нарсага далолат қилаймики, агар у ишни қилсаларингиз бир-бирингизга муҳаббатли бўласизлар? Орангизда саломни кенг ёйинглар”** (Имом Муслим ривояти).

Меҳру-оқибат мусулмонларни ўзаро бир-бирларини кўллаб-қувватлашларини, оғирларини енгил қилишни, ўзига раво кўрган нарсасини бошқага ҳам раво кўришни, хаттоки ўзига зарур бўлган нарсани биродарига илинишини англатади. Мазкур фазилатларга эга бўлган мўминларни Аллоҳ таоло Қуръони каримда мадҳ этиб шундай деган:

وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾

(سورة الحشر/9).

яъни: **“Ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа мухтожларни) ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафси бахиллигидан сақлана олса, бас ана ўшалар (охиратда) нажот топувчидирлар”** (Ҳашр сураси, 9-оят).

Демак, Аллоҳ таолонинг бундай мақтовига сазовор бўлиш учун киши жамиятга манфаат етказиши, ўзи яшаб турган жамиятнинг корига яраши, маҳалла ва кўни-кўшниларидан ўз кўмагини дариф тутмаслиги, ёрдамга мухтож кишиларнинг ҳожатини чиқариши, оғир ва енгил кунларида улар билан бирга бўлиши лозим бўлади. Зеро, ота-боболаримиз узоқ сафарга,

масалан, хажга отланганларида, аввало, кўни-кўшниларининг розилигини олиб, имкони борича қийналганларга моддий ва маънавий кўмак бериб, шундан сўнг йўлга чиққанликлари барчамизга маълум.

Шунингдек, Аллоҳ таоло сизу биз мўмин-мусулмон бандаларининг қалбларимизни Ўзининг марҳамати ила бир-бирига муҳаббатли қилиб қўйгандир. Қуръони каримда бунинг хабарини бериб, шундай марҳамат қилган:

وَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ لَوْ أَنْفَقْتَ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مَا أَلْفَتْ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ أَلْفَ بَيْنَهُمْ إِنَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿63﴾ (سورة الأنفال/63)

яъни: “**Ва уларнинг дилларини (ўзаро) яқинлаштирган зотдир. Агар (Сиз) ердаги (хамма) нарсани сарфлаганингизда ҳам (уларнинг) дилларини (бир-бирига) боғлай олмаган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ уларнинг ўртасини боғлади. Албатта, У қудратли ва ҳикматли зотдир**” (Анфол сураси, 63-оят). Бошқа бир ояти каримада эса Аллоҳ таоло биз бандаларини бирликка ва ҳамжиҳатликка даъват этиб бундай деган:

وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَاصْبِرْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا ﴿103﴾ (سورة آل عمران/103)

яъни: “**Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туймайли биродарларга айландингиз**” (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Пайғамбаримиз ҳам кўплаб ҳадисларида мўмин-мусулмонларни бир-бирига биродар эканлигини таъкидлаб ўтганлар. Жумладан:

عَنْ النَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادُّهِمْ تَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضْوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهَرِ وَالْحُمَّى" (رواه الامام البخاري و الامام مسلم).

яъни: Нуъмон ибн Башир р.а.дан ривоят қилинади, Расулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم дедилар: “**Мўминларнинг ўзаро бир-бирларига нисбатан меҳру муҳаббат ва ҳамжиҳатликларининг мисоли бир танага ўхшайдики, ундаги бир аъзо оғриси, тананинг бошқа аъзолари бедорлик ва иситма билан унга ҳамдард бўладилар**” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Муҳтарам жамоат! Биродарлик бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки ижтимоий ҳаётда ўз исботи ва тасдиғини топмоғи лозим бўлган ҳақиқатдир. Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلم биз умматларига ана шундай аҳл-иноқ биродар бўлиб яшашимизга сабаб бўладиган ишларга далолат қилганлар.

Динимиз мўмин-мусулмонларни фақат яхши ишларда ҳамжиҳатлик қилишга буюради. Зинҳор ёмонлик ва гуноҳ-маъсият ишларда ҳамкорлик

қилишларини ёқламайди, балки бундан қайтаради. Қуръони каримда шундай дейилган:

وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ ﴿٢﴾ (سورة المائدة/2).

яъни: “Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!” (Моида сураси, 2-оят).

Ояти каримада Аллоҳ таоло инсонларни яхшилик устида бирлашишга даъват этмоқда. Демак, мусулмон кишилар қаерда савобли, яхши иш амалга оширилаётганини кўрсалар, ўша ишни бевосита ёки билвосита бўлсада қўллаб қувватлашлари, имконияти бўлса унга ўз хиссаларини қўшишлари лозим бўлади. Шунингдек, гуноҳ ва маъсият ишлар амалга оширилаётган жойда мусулмон кишининг қўли бўлмаслиги, балки ёмон ишлардан ҳазар қилмоқлиги даркор бўлади.

Пайғамбаримиз صلی اللہ علیہ وسلمнинг ҳадисларининг бирида шундай дейилган:

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: "عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ صَدَقَةٌ" قَالَ: "أَرَأَيْتَ إِنْ لَمْ يَجِدْ؟" قَالَ: "يَعْمَلُ بِيَدِهِ فَيَنْفَعُ نَفْسَهُ وَ يَتَصَدَّقَ" قَالَ: "أَرَأَيْتَ إِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ؟" قَالَ: "يُعِينُ ذَا الْحَاجَةِ الْمَلْهُوفِ" قَالَ: "أَرَأَيْتَ إِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ؟" قَالَ: "يَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ أَوْ الْخَيْرِ" قَالَ: "أَرَأَيْتَ إِنْ لَمْ يَفْعَلْ؟" قَالَ: "يُمَسِّكُ عَنِ الشَّرِّ فَإِنَّهَا صَدَقَةٌ" (متفق عليه).

яъни: Абу Мусо Ал-Ашъарий Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلمдан ривоят қилиб айтадилар, У 30Т صلی اللہ علیہ وسلم: “*Ҳар бир мусулмоннинг зиммасига садақа қилиш вожибдир*”, – дедилар. Шунда: Агар садақа қилишга нарса топа олмасачи? – деб сўрашди. “*Ишлайди, шунда ўзига ҳам фойда бўлади, садақа ҳам қилади*”, – дедилар. Агар ишлашга қодир бўлмасачи? – дейишди. “*Қийналган ҳожатмандга ёрдам беради*”, дедилар. Ёрдам беришга ҳам ярамасачи? – деб сўрадилар. “*Одамларни яхшиликка буюради*”, – дедилар. Агар уни ҳам қилмасачи? – дейишди. “*У ҳолда ўзини ёмонлик қилишдан тияди, шунда садақа қилган бўлади*”, – дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Халқимиз орасида кенг тарқалган “савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак” деган мақолнинг пурҳикмат маъноси айнан юқоридаги ҳадиснинг мазмунига мос келади. Зеро, Аллоҳ таоло бизни танимизни соғ, эгнимизни бут, хонадон ва юртимизни тинч қилиб қўйган, бундан бошқа беҳисоб неъматларини ато этаётган экан, бунинг шукронасини ҳар куни ҳеч бўлмаса битта яхшилик қилиш билан бўлсада адо этмоқликка ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

Азизлар! Динимиз бизларни ҳамжихатликка, ўзаро муносабатларимизни садоқат ва самимият асосларига барпо қилишимизга буюрар экан, ўз навбатида хиёнат ва мунофиқликдан қайтаради. Чунки, хиёнат ва мунофиқлик мусулмон кишига ёт иллат бўлиб, улар сабабли инсонлар бир-бирларига нисбатан ишончни йўқотадилар, натижада ўртада зиддият ва ҳатто адоват ҳам пайдо бўлиши мумкин. Расулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم биз умматларини ана шундай инсонлар ўртасига нифоқ соладиган ишлардан огоҳлантирганлар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصَلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَصَلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا: إِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ وَ إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَ إِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَ إِذَا خَاصَمَ فَجَرَ" (رواه الإمام البخاري و الإمام مسلم).

яъни: Абдуллоҳ ибн Амр р.а.дан ривоят қилинади, Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم дедилар: *“Тўрт нарса кимда бўлса, у аини мунофиқдир. Кимда улардан биттаси бўлса, токи уни тарк этмагунча унда мунофиқлик хислати бор бўлади. Улар: омонат берилса хиёнат қилади, гапирса ёлгон гапиради, ваъдасини бузади, тортишса жанжаллашади”* (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Мухтарам жамоат! Қуйида Имом Абу Ҳанифанинг **“Фикҳул акбар”** китобида келган **баъзи ақидавий** масалаларни баён қилиб ўтамиз:

- Пайғамбарлардан кейин одамларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддик, сўнгра Умар ибн Хаттоб, сўнгра Усмон ибн Аффон, сўнгра Али ибн Аби Толиб 0 дирлар. Улар ҳақ узра яшаб, ҳақ билан бирга ўтганлар. Уларнинг ҳаммасини дўст тутамиз. Расулуллоҳ صلی اللہ علیہ وسلم нинг саҳобаларидан ҳеч бирига ёмонликни нисбат бермаймиз, балки яхшилик билан ёд этурмиз.

- Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи гуноҳи кабира гуноҳ бўлса ҳам, уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса. Ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз, уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат “кофир” деб эмас.

- Оёқ кийимига масҳ тортиш – суннат.

- Рамазон оyi кечаларида ўқиладиган таровеҳ намози – суннат.

- Ҳар қандай солиҳ ва фожир мўминга иқтидо қилиб, намоз ўқиш жоиз.

- Мўмин кишининг қилган гуноҳлари унга зарар қилмайди, демаймиз.

Яна уни дўзахга киритмайди ҳам, демаймиз. Лекин у ерда уни абадий қолдиради ҳам демаймиз, ҳатто у фосиқ бўлган тақдирда ҳам. Аммо дунёдан имонли кетган бўлиши шарт.

- Барча савобли ишларимиз қабул қилинур ёки гуноҳларимиз кечирилур ҳам демаймиз. Лекин айтамызки, ҳар ким қайси бир савобли ишни барча шартлари билан, уни бузиб қўядиган айблардан холи ҳолда адо этган бўлса ҳамда дунёдан шу ҳолатда ўтган бўлса, албатта, Аллоҳ таоло унинг яхши амалларини зое кетказмайди. Балки уни қабул этади ва унга яраша савоб ёзади. Аллоҳ таоло барчаларимизни билганларимизга амал қилиб, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат билан умргузаронлик қилмоғимизга муяссар айласин. Омин!

Илова: Мухтарам имом-домла!

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида топилган нефть конида қайтадан қазиш ишларини олиб борилмоқда. Шу муносабат билан жума намози сўнгида олиб борилаётган ушбу қазиш ишларининг самарали ва баракотли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб жамоат билан дуо қилишингизни мақсадга мувофиқ деб биламиз.